

НОМУСГА ТЕГИШ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ДОЛЗАРБ АҲАМИЯТИ ВА ҚОНУНЧИЛИКДА УНГА ДОИР АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР

Alimardonova Dilnura Azamat qizi
O`zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi
215-guruh kursanti

Аннотация: Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, жинсий тажоввуз, номусга тегиш жиноятлари, ғайриижтимоий хулқ-атвор, жинсий эркинлик, латент жиноят бўлиб қолиши, ярашув институтининг жорий этилиши, амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг самараси, камчилик муаммолари, таклиф ва мулохазалар.

Дунёдаги барча давлатларнинг миллий қонунчилигида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, хусусан шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва кадрқимматини турли жинойий тажовузлардан ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилган. Афсуски, сўнгги йилларда бутун дунёда жамиятдаги муносабатлар доирасида жинсий эркинликка қарши жиноятлар кўп тарқалган ижтимоий ҳодисалардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Ушбу муаммо Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аёллар муаммоларига бағишланган тўртинчи анжумани дастурида «жинсий зўравонлик» кўпгина давлатларда «эпидемия» деб тан олинган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида “инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос кадрқиммат ва уларнинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлиги” эътироф этилган. Айниқса жамиятимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, уларга нисбатан содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган эътибор албатта ҳурматга сазовордир.

Бугунги кунда хотин қизларга нисбатан энг кўп содир этилаётган жиноятлардан бири бу номусга тегиш жинояти бўлмоқда. Республикамизда мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, турли таҳдид ва тажовузлардан ишончли ҳимоя қилиш, хусусан, хотин қизларга нисбатан зўравонлик, жинсий тажовузлар билан боғлиқ жиноятларнинг профилактикасини самарали ташкил этишнинг маънавий, ҳуқуқий ва институционал асослари яратилди. Мазкур қонун ҳужжатлари талаблари асосида инсон Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек ҳар

қандай кўринишдаги таҳдид ва тажовузлардан ҳимоя қилиш бўйича республика хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими, Ўзбекистон «Ёшлар иттифоқи» ,хотин-қизлар масалалари бўйича инспектор лавозими каби махсус институтлар ташкил этилиб, уларнинг фаолияти такомиллаштирилмоқда

Сўнгги йилларда жинсий эркинликка қарши жиноятлар,хусусан номусга тегиш жинояти салмоғи кескин ошиб кетаётгани айниқса ачинарлидир.Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида ушбу масала ҳам четда қолаётгани йўқ.Содир этилган номусга тегиш жинояти учун жавобгарлик масаласи қайтадан кўриб чиқилиб чазо чоралари оғирлаштирилди,Жиноят Кодекси 118-моддаси янги қисм билан тўлдирилди шунингдек шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоясини таъмиглашга доир бир қатор чора тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси 1995-йилда “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенсиясининг 3-моддасига асосан, иштирокчи давлатлар еркаклар билан тенглик асосида хотин-қизларнинг инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларини рўёбга чиқаришлари ва улардан фойдаланишларини кафолатлаш мақсадида хотинқизларнинг ҳар томонлама ривожланишини ва тараққиётини таъминлаш учун барча, хусусан сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳамма тегишли чоралари, шу жумладан қонунчилик чоралари кўрилишини белгилаб ва бугунги кунда қонунчилигимизга имплементация қилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020-йил 4-январ куни 3-сон Қарори билан “Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Мазкур Низом билан тазйиқ ва (ёки) зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини берилиши ва тазйиқ ва (ёки) зўравонлик содир етган ёки содир етишга мойил бўлган шахсларга бир қатор чекловлар ёки тақиқлари ўрнатилиши, келгусида тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

2023-йил 11-апрель куни қабул қилинган ЎРҚ-829-сонли “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга асосан жинсий эркинликка қарши қаратилган жиноятларга доир Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси Махсус

қисмининг бир қатор моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 118-моддаси 3-қисми диспозицияси янги “в” банд билан тўлдирилди. Унга кўра жабрланувчини тарбиялаш, ўқитиш ва (ёки) унга ғамхўрлик қилиш мажбуриятларини бажараётган шахс томонидан, шунингдек жабрланувчига қараб туриш мажбуриятлари қонун билан зиммасига юклатилган таълим, тарбия, даволаш ёки бошқа муассасанинг ходими томонидан содир этилган номусга тегиш жинояти алоҳида банд билан ижтимоий хавфлилигига кўра оғир жиноят сифатида квалификация қилиниши белгилаб қўйилди.

Шунингдек амалга оширилган ислохотлардан яна бири ҳукуматнинг махсус қарори билан вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик содир этган шахслар реестрини юритиш тартиби тасдиқланди.

Қонунчилигимиздаги бу каби ўзгаришлар замон талабларига хос ва инсонпарварлик учун ўта аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳимоясига қаратилган шунча ҳуқуқий механизмлар бўла туриб, уларнинг таҳқирланаётганликлари албатта ачинарли. Барчамиз ёдда тутишимиз зарур! Барча хотин-қизлар давлат ҳимоясида. Ҳеч ким уларни таҳқирлашга, ҳуқуқларини поймол етишга ва еркинлигини чеклашга ҳақли эмас!

Жинсий эркинликка қарши жиноятлар деганда тўғридан-тўғри жисмоний ёки психик таъсир кўрсатиш ва бундай таъсир этиш орқали таҳдид қилишни тушуниш мумкин. Жинсий эркинликка қарши қаратилган жиноятларнинг энг кўп тарқалган тури бу номусга тегиш жинояти бўлиб

Номусга тегиш деганда (ЖК 118-моддаси), аёл жинсидаги шахс билан унинг эркига қарши ёки эркидан ташқари зўрлик ишлатиб, кўрқитиб ёхуд жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, табиий усулда жинсий алоқа қилиш тушунилиши лозим. Агар ўша ҳолатларда айбдорнинг ҳаракатлари жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга қаратилган бўлса, қилмиш ЖК 119-моддаси билан квалификация қилиниши керак. Бунда қонуннинг мазкур моддаси билан жинсий жавобгарлик бундай ҳаракатлар аёл жинсидаги шахсга нисбатан ҳам, эркак жинсидаги шахсга нисбатан ҳам содир этилганда келиб чиқади.

Ушбу жиноятнинг субъекти: ҳар икки жинсидаги, жиният содир этилган вақтда 14 ёшга тўлган ақли расо шахс

Халқаро тажрибани ўрганганимизда ҳам амин бўлдикки, жиноятчига жабрланувчининг ёши аён бўлиши ҳеч кимга керак эмас. Яъни шу қилмишни содир этган жиноятчи жабрланувчининг ёшини билиш-билмаслиги иккинчи масала. Бундан қатъий назар барибир жавобгарликка тортишимиз керак. Шу боис жинсий зўравонлик ҳолатларида жабрланувчининг

ёшини жиноятчи билиши масаласи Жиноят кодексидан қатъий олиб ташланди. Жабрланувчи вояга етмаган бўлса бас, жиноятчи жавобгарликка тортилади ва у жазосини олади.

Бевосита объекти: жабрланувчининг жинсий эркинлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, ўз хоҳишига кўра жинсий шеригини танлаш ҳуқуқи, ўн олти ёшга тўлмаган шахсларнинг жинсий дахлсизлиги ҳисобланади.

Кўшимча объекти: жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиги.

Объектив томони: зўрлик ишлатиб, кўрkitиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш.

Сўбъектив томони: жиноят тўғри қасд билан содир этилади.

Номусга тегиш жиноятдан жабр кўрган шахс ўзига нисбатан зўрлик ишлатилганлигига қарамай жиноятчининг жиноий жавобгарликка тортилишини истамаган, жиноят иши кўзғатилган тақдир ҳам, у дилозорни тезда кечирган ва жиноят ишини тугатишни сўраган.

Ярашув институтининг жорий этилиши жиноят қонунини либераллаштириш сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Ўзида инсонпарварлик тамойилини акс эттирувчи мазкур институт, яъни жиноят содир қилган шахс билан жабрланувчининг ўзаро келишуви давлатчилигимиз тарихида кенг қўлланилган, яъни айбдор жабрдийдага товон тўлагани учун жабр кўрган тараф уни кечириб, қозидан айбдорни жазодан озод қилишини сўрашга ҳақли бўлган. Бурҳониддин Марғиновичнинг “Ҳидоя” асарида товон ҳақи жазо сифатида қўлланилганида, айбдор уни уч йил мобайнида тўлаши лозим эканлиги қайд қилинган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ярашув муносабати билан жиноят ишининг тугатилиши миллий кадриятларимизга тўла мос эканлиги, шунингдек, келгусида жабрланувчи ва жиноятчи ўртасида бир-бирларига нисбатан душманлик пайдо бўлишини олдини олишда муҳим аҳамият касб қилишини эътироф этиш лозим. Афсуски, кўп ҳолларда жамиятдаги зўравонлик оқибатида содир қилинган жиноятлар фoш этилмасдан “латент”лигича қолиб кетмоқда. Оила аъзолари томонидан зўрланган, зўравонликка дучор бўлган жабрланувчилар келгусида жиноятчининг ўч олишидан кўрқиши, оилавий сирларининг ошқора бўлишини хоҳламаслиги, айбдор билан муносабатларини ёмонлашмаслиги ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ишончининг йўқлиги сабабли уларга мурожаат этмаслиги оқибатида латент жиноятлар ошиб бормоқда. Хотин-қизларнинг номусга тегиш жиноятларидан жабрланишида виктимлик даражаси ва хусусиятлари уларнинг ҳатти-ҳаракатларида тажовузни ҳеч кимга сездирмасликка уриниши, унинг бошқалар олдида шарманда бўлиш, обрўсизланиб қолиши каби оқибатлардан кўрқишида ҳам намоён бўлиши мумкин. Одатда жинсий зўравонлик содир этувчи шахслар асосан вояга

етмаганга нисбатан тажовуз қилишади. Чунки, уларга нисбатан ушбу қилмишларни ҳеч бир жиддий қаршиликсизликлар билан содир этишади жиноятни бегона шахсларга нисбатан содир этишга нисбатан яқин қариндошига нисбатан ўша жиноятни содир этиш ижтимоий хавф-лилик даражасини оширувчи мезонлар ҳисобланади. Масалан, номусга тегиш жинояти ўн саккиз ёшдан ошган бегона шахсга нисбатан содир этилса ЎзР ЖК 118-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилиниб, қонунда уч йилдан етти йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиш назарда тутилган бўлса, ўша ёшдаги яқин қариндошига нисбатан содир этилса 118-моддасининг учинчи қисми билан квалификация қилинади ва бундай жиноят учун ўн йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш белги-ланган. Ушбу келтирилган мисолнинг биринчи ҳолатида қилмиш оғир жиноятлар туркумига киритилган бўлса, иккинчи ҳолатда эса ўта оғир жиноятлар туркумига киритилган. Бизнинг назаримизда, ЎзР ЖК нинг 118-моддаларининг учинчи «б» бандида назарда тутилган жиноятларни яқин қариндошларга нисбатан содир қилиш, деб умумий тарзда белгилангани тўғри. ЎзР ЖК Махсус қисмининг саккизинчи бўлимида берилган атамаларнинг ҳуқуқий маъносида яқин қариндошларга ота-она, ака-ука ва опа-сингилликка олинганлар, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари кириши назарда тутилган. Ҳақиқатдан ҳам яқин қариндошларга нисбатан 118-моддасида назарда тутилган жиноятни содир қилиш нафақат қонунга хилоф, балки кўп шаклланиб қолган қариндош-уруғчилик, урф-одат, ахлоқ ҳамда инсоний муносабатларнинг нормаларига хилофдир. Шунга кўра бундай жиноятни фақат қонуннинг ўзигина эмас, бутун жамият қоралайди ва бундай қилмишлар ўта уятсизлик, бутун қариндошчилик муносабатларини ўта оғир ҳақоратлаш бўлиб ҳисобланади. Шунга кўра ЖК 118-моддалари учинчи қисми «б» бандидаги жиноятларни оғир жиноятлар туркумига эмас, балки ўта оғир жиноятлар туркумига киритиб тўғри қилинган. Аммо бизнинг фикримизча, айнан ана шу моддаларда назарда тутилган яқин қариндошларига эр ва хотин кирмаслиги керак. Чунки, айнан ана шу моддалардаги эр ва хотин ўртасидаги номусга тегиш жамият томонидан бу жиноятни бошқа яқин қариндошларига нисбатан қаттиқ қораланмайди.

Киши ўз номусини асрашга масъул бўлгани ҳолда ўзгалар номусига дахл қилишга ҳақсиздир.

Хулоса қилиб айтганда номусга тегиш жинояти бугунги кунда оила турмуш муносабатларига ҳам жиддий хавф тугдирмоқда. Шу боисдан ушбу жиноятни содир этилишини олдини олиш ва бу жиноятни содир этганларни қайта тарбиялаш давлатимиз, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари, жамиятимиз олдида турган энг долзарб ва асосий муаммолардан

биридир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган бу борадаги ислохотлар ва қабул қилинаётган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар келгусида уз самарасини бериши ва бундай жинойтлар салмогини кескин қамайшига эришилишида барчамиз бирдек маъсулмиз. Зеро барчамиз ёдда тутишимиз зарур! Барча хотин-қизлар давлат ҳимоясида. Ҳеч ким уларни таҳқирлашга, ҳуқуқларини поймол этишга ва еркинлигини чеклашга ҳақли эмас!

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // URL: [http://www.lex.uz.](http://www.lex.uz;);
2. Ўзбекистон Республикасининг Жинойт кодекси // URL: [http://www.lex.uz.](http://www.lex.uz;);
3. Ўзбекистон Республикасининг Жинойт-процессуал кодекси // URL: [http://www.lex.uz.](http://www.lex.uz;);
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2010 йил 29 октябрь 13-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. –Т., 2018.
5. Ф.М.Мухитдинов “Жабрланувчи ҳақидаги таълимот асослари” //2010
6. Ўзбекистон юридик энциклопедияси –Т.: 2010-йил
7. [http:// akadmvd.uz](http://akadmvd.uz) (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси)
8. [http:// lex.uz](http://lex.uz) (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)
9. [http:// www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) (Ахборот таълим тармоғи)
10. [http:// www.tsul.uz](http://www.tsul.uz) (Тошкент Давлат Юридик Университети)
11. <https://gazeta.uz/uzc/news/uzbnews>